ЭКОЛОГИК ДУНЁҚАРАШ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАРИХИЙ ПАРАДИГМАЛАРИ



Савлабек Кистаубоев
ЖДПУ доценти, ф.д. (PhD)

Аннотация:

Мазкур мақолада экологик дунёқараш шаклланишида экологик анъана ва маросимлардаги инсонпарварлик тамойиллари табиатга бўлган меҳр-муҳаббат ва унларнинг шахс экологик дунёқарашидаги ўрни баён қилинган.

Калит сўзлар: экологик дунёқараш, экологик маросим, экологик қадрият, анаъана, табиат, табиат ва инсон, ўзаро уйғунлик ва бошқалар

Аннотация:

Данная статья посвящена мировым экологическим традициям и обрядам гуманизма, присущим природным тенденциям, таким как любовь и привязанность.

Ключевые слова: экологическое мировоззрение, экологический ритуал, экологическая ценность, природа, природа и человек, гармония и многое другое.

Annotation

This article is devoted to the world ecological traditions and rituals of humanism, natural trends based on love and affection..

Keywords: ecological worldview, ecological ritual, ecological value, nature, nature and man, harmony among others

Инсоният жамияти пайдо бўлгандан буён, кишиларни табиий атроф-муҳитга муносабатидаги ҳар қандай қараш ва ёндашувлар, табиатнинг сиру асрорларини билиш инсоннинг фаол таъсири тарих силсиласида сараланиб, ундаги табиатни улуғлашга доир фикрлар, қарашлар, расм-русум ҳамда тамойиллар вақт ўтиши билан ўзига хос қадрият мақомига эга бўлиб борган. Уларнинг ривожланиш жараёнида шахс ва жамият экологик дунёқараши: миллий ва, умуминсоний, табиий, ва ижтимоий қадриятлар туркумлашиб, инсон дунёқараши, интилишлари, табиат ва унинг неъматларига нисбатан масъулиятли муносабатининг шаклланишига туртки берган ҳамда парадигмал йўналишларни, функционал аҳамиятини белгилаб олган.

Миллий экологик дунёқараш, муайян жамият маданиятининг ўзига хос таркибий қисми сифатида, инсоннинг табиатга онгли, масъулиятли муносабатини мустаҳкамлаш ва трансформация қилиш эҳтиёжи натижасида шаклланган. Чунки жамият ҳам, шахс ҳам табиатдан мутлоқ ажралган ҳодиса эмас, балки унинг мавжудлик шаклидир.

Бинобарин, миллий экологик дунёқараш, табиий-ижтимоий амалиёт натижаси сифатида шаклланган тарихий-маънавий ҳодиса бўлиб, шахс амалий фаолиятида, унинг экологик онг ва дунёқараши даражасини белгиловчи мезонлар тизимида ўз аксини топади. Ўз навбатида, шахснинг экологик тафаккури, қадриятларга муносабати у яшаб турган минтақанинг табиий географик иқлим шароити, турмуш маросими билан ҳам узвий боғлиқ бўлиб, бу омилларнинг таъсири ҳамда ўзаро алоқадорлиги, унинг экологик дунёқарашини шаклланишида муҳим ўрин тутган ва парадигмаларининг нисбатан турғунлигини таъминлаган.

Маълум миллат яшаётган табиий-географик муҳитни миллий қадриятлар тизими, кишилар руҳияти, табиатга онгли муносабат маданияти шакллантириш хусусида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.Мирзиёев: “бугунги кунда тобора кескин тус олаётган экологик хатарлар ҳам барқарор тараққиётга жиддий таҳдиддир. Жумладан, Орол муаммоси глобал миқёсдаги экологик ва гуманитар ҳалокатдир. У аллақачон Оролбўйи аҳолиси генофонди, ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ аянчли оқибатларга олиб келди. Орол инқирози оқибатларини бартараф этиш учун барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш лозим”[1,384], деб ўз муносабатини баён қилган эди.

Шунинг учун ҳам, табиат ва инсоннинг ўзаро уйғунлиги энг қадимий тарихий манбалар илоҳий қадрият сифатида улуғланган. Жумладан, “Авесто” китобида табиатга муносабатда икки парадигма намоён бўлади: ***биринчиси*** – табиат унсурларини муқаддаслаштириш; ***иккинчиси*** – инсоннинг табиат билан моддий яратувчилик муносабатларини улуғлаш. Масалан, Ардвисурага бағишланган "Бешинчи яшт"ида сув улуғланади, ундан дон ундирилиши, чорва ташналигини қондириш, инсон бойлигига барака келтириб, мулкни кўпайтириши, ўлкаларни гуллаб яшнатиши тилга олинади [2,93].

Шу каби хулосаларни ўзида мужассамлаштирган қадимий манбаларни қиёсий таҳлил этиш, хусусан Геродотнинг “Тарих” асаридаги қадимий асотирларни туркий битиклар билан қиёсий ўрганиш, улар ўртасида умумийлик борлигини кўрсатади. Айниқса, “табиат (ер)-инсон-маънавият-(осмон)” муносабатларини тушунишда; Култегин катта битигида: “Юзада кўк Тангри, остда қора ер қилинди, иккиси аро киши ўғил қилинди”, деб кўрсатилган бўлса, “Герк битик”да ҳам инсон ўз тақдирини табиат кўзгусидан қидиришига ишора қилинган. Ана шу қадимий манбаларнинг ўзида халқимиз жуда қадимданоқ табиат билан боғлиқ бой миллий-аънавий қадриятга, анъана, урф-одатларга эгалигини англатади.

Хусусан, қадимий аждодларимиз коинот ва табиат билан боғлиқ ҳар бир фаслга мос анъаналар тизимини шакллантирган. Исломгача бўлган қадимги байрамлар, жумладан, баҳорги – “Наврўз”, ёзги – “Анган”, кузги – “Меҳржон”, қишки – “Саада” кабилар йилнинг тўрт фаслларидаги табиий эҳтиёжлар асосида вужудга келган. Наврўз ва куз байрамлари (“Меҳрижон”, “Нимсада”) табиатдаги қувончли ўзгаришларни қутлашга асос бўлган, ёздаги “Анган” ва қишдаги “Саада” табиатда вужудга келган ноқулайликни, унинг ўзида мавжуд бўлган: сув, олов орқали қулайлаштиришга интилган [3,58].

Бу экологик анъаналарнинг қадрият мақомини асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келган: “Гул байрамлари”, “Дарвишона”, “Чой момо”, кузги – “Узум сайли”, “Қовун сайли”, қишки – “Яс-юсун”, “Гап-гаштак”, “Қор хат”, “Қурилтой” каби маросим ва байрамларда кўрамиз. Шунингдек, кишининг кайфияти табиат билан, йил фаслларининг алмашиб туриши билан узвий боғлиқ.

Деҳқонлар ҳаётида, турмуш тарзида, мавсумий меҳнат жараёнида ва маънавий оламида чуқур из қолдирган қадрият шакллари бўлиб ҳисобланган ва ҳар бир шахсда экологик онг ва дунёқарашни бойитишга, табиат неъматларини қадрлашга, йил фаслларида табиатда рўй берадиган гўзаллик ва фусункорликдан завқланишга, меҳнатни қадрига етишга ва инсонийликни улуғлашга хизмат қилган. Бу қадриятларнинг ҳозир ҳам халқ орасида сақланиб қолганлиги, уларнинг парадигмалари мустаҳкамлигини кўрсатади.

Ўзбек халқи азалдан гулни севиб эъзозлаб келган, меҳнат аҳлининг гул ўстириши, уни дид билан парвариш қилиши, ҳурмат ва эҳтиром рамзи сифатида ёру дўстларга тақдим этиш одатлари маълум. Таниқли этнограф Н.П.Остроумов “Мен фаросатсиз бўлиб кўринган мардикорнинг, камбағал аравакаш ёки мешкобчининг, ҳатто гадойнинг ҳам қулоғига гул тақиши, дўпписи тагига гул қистириши учун гул ахтаришини кўриб ҳайратда қолдим”[4,36], деб ёзганида ҳам миллатимизни нафосатга, табиат гўзаллигига нақадар ихлосманд бўлганлигини назарда тутган бўлса ажаб эмас.

Халқимиз томонидан табиат неъматлари, гуллар, дарахтларга алоҳида меҳр, илоҳий бир қадрият сифатида қаралган. Хусусан, тоғ салобати бўлган арча алоҳида меҳр билан ардоқланган.

Айни пайтда мевали дарахтга ўзига хос меҳр ва рисқ-рўз манбаи сифатида қараш халқимизнинг ҳаётбахш унутилмас маросим ва қадриятлари ҳисобланади. Хусусан, тут дарахти ва мевасини қадрлашга бағишланган “Тут сайли” шулар жумласидандир. Аммо, афсуски бу сайил ҳамма жойда ўтказиладиган умумхалқ байрами эмас. У асосан катта тутзорлар бор худудларда ўтказиладиган ноёб ва антиқа тадбирдир. Бу сайилни ўтказишни барча жойда бирдай амал қилинадиган қатъий анъаналари мавжуд эмас. Кишиларнинг ўз боғи ҳовлисидаги тутни териб ейиши оддий одат бўлса, теварак атрофдаги тутзорларга оммавий чиқиш “Тут сайли” ҳисобланган. Бундан келиб чиқиб шартли равишда “Тут сайли” икки хил тарзда ўтказилган дейиш мумкин.

Глобаллашувнинг зиддиятлари, айниқса дунёқараш ва маданият соҳасида кўпроқ намоён бўлмоқда. Дунё миқёсида маънавий, аҳлоқий қадриятларнинг қадрсизланиши, маданий хилма-хилликнинг тобора камайиб бораётгани шак-шубҳасиз, давримизнинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Зеро, “Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустахкам иродаги эга бўлмаса, ҳар турли мафкуранинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амримаҳол”[5,59].

Шунинг учун, шиддатли глобаллашув жараёнлари шароитида, миллий ўзликни "оммавий маданият" таҳдидларидан сақлаган ҳолда, экологик парадигмалари софлигини таъминлайдиган баркамол шахсни тарбиялашдан иборат. Бу мустақиллигимиз натижасида қўлга киритилган миллий давлатчилигимизни янада мустаҳкамлашга, миллий ва умуминсоний қадриятлар мазмун-моҳиятини теран англаган ҳолда борлиққа, табиат ва жамиятга шахсий жавобгарлик ҳамда масъулият туйғуси билан ёндашишига олиб келади.

Шу ўринда экологик дунёқараш парадигмаларининг ўзгаришларини ва қадрият мақомини мустаҳкамлашга доир яна бир масалага ойдинлик киритиш зарур. У ҳам бўлса, эстетик онг ва экологик дунёқарашнинг асоси бўлган баъзи маросим ва миллий қадриятларга муносабатдаги зиддиятли, бир-бирига қарама-қарши ёндашувларни холис таҳлил этиш ҳамда уларга илмий асосланган фактлар асосида баҳо бериш билан боғлиқ. Айниқса, асрлар давомида шаклланган миллий қадриятларимизга сунъий тарзда киритилаётган элементлардан сақлаш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда.

Зеро, кўпинча азалий анъана ва маросимларимизга нисбатан ноўрин ортиқча чиқим ва бидъатга асосланган эскилик сарқити, деган таъна дашномларни оддий кишилар, зиёлилар орасида ҳам тез-тез эшитишимизга тўғри келади. Муайян маънода, бу танқидий фикрларда асос бўлса ҳам, инсон ҳаётига табиий-ижтимоий қадрият сифатида ўз таъсирини ўтказаётган бу экологик мазмундаги маросимлар тасодифий пайдо бўлмаганлиги бугунги кунда илмий ва амалий жиҳатдан асосланмоқда.

Инсоннинг туғилиши, вафоти билан боғлиқ шаклланган ва давом этаётган маросимлар, анъаналар қадим замонларда аждодларимиз томонидан ҳаётий зарурият тарзида жорий этилган ва булар минг йилликлар оша яшаб, йўлида учраган турли тўсиқларни енгиб келмоқда. Турмуш тақозо этган нарсаларни буйруқ билан ман этиб бўлмайди. Масалан, туғилишга боғлиқ маросимлар (масалан, чақалоқларни экологик тоза, саитария-гигиена талабларига жавоб берадиган хоаларда сақлаш) кишига қувонч бахш этса, ўлим билан боғлиқ маросимлар, маъракалар руҳий юпанч беради.

Гарчи бу маросимларнида экологик мазмун диний тусда бўлса-да унинг асосида инсонга нисбатан эзгу муносабат бўлиб, табиий жараён ва қадриятлар билан мустаҳкам алоқадорлигини англаб олиш қийин эмас. Бу масалаларга адабиётшунос олим А.Иброҳимов қуйидагича аниқлик киритади. Яъни, “Аллоҳ таоло оламни етти кунда яратмиш, шундан келиб чиқиб, шунга нисбат берилиб янги туғилган чақалоқ етти кунлик бўлгач ўнг қулоғига азон айтилиб, чап қулоғига такбир айтилиб, унга исм қўйилади. Одам боласига исм қўйилгандан кейингина одам ҳисобланади, одамлар қаторига қўшилади. Чақалоқ йигирма кунлик бўлгач, унинг кичик (ярим) чилласи чиқади, у бир хавфдан омон-эсон ўтиб олди, "Худо ҳоҳласа яшаб кетади", деган хулосага келиниб хурсанд бўлинади. У қирқ кунлик бўлгач, чилласи чиққан ҳисобланади, буни халқимиз “катта чилласи” чиқибди, дейди, айниқса ҳаётий тажрибалари бой кекса кишилар чақалоқнинг бобо ва бувилари, амаки ва аммалари, тоға ва холалари кўп хурсанд бўладилар”.

Хўш, бу жараённинг экологик қадриятлар, шу асосда шаклланган дунёқараш билан қандай алоқаси бор? Аввало, дунёга келган чақалоқ табиий муҳитга мослашиш босқичларидан ўтади. Қолаверса, бу маросимларни табиатдаги кун ва ой ҳисоблари билан боғлиқ меъёрларга ҳам боғлиқ бўлиб, муайян экологик мазмунга эга.

Маросимлардаги инсонпарварлик тамойиллари табиатга бўлган меҳр-муҳаббат, ундан ибрат ола билиш салоҳиятини бугунги кунда ҳар бир шахс руҳияти, экологик онги ҳамда дунёқарашига сингдириш зарур. Зеро, улар глобал ўзгаришлар шароитида: олам, табиат, одам ҳақидаги буюк аждодларимизнинг экологик ғоялари моҳиятини чуқур англаган ҳолда, экологик дунёқарашини менталитетимизга ёт таъсирлардан сақлайди, инсон руҳиятига чиркин одатларни жо бўлишига йўл қўймайди.

Чунки кўп йиллар давомида кишиларимизнинг онгу-шуурига сингдирилган табиат ҳақидаги нотўғри тасаввурлар, жумладан, “техника табиат камчиликларини тўлдириш учун яратилган” деган ноилмий ғоялар таъсири ҳали буткул бартараф этилмаган бир шароитда, глобал таъсирларнинг салбий кўринишлари, уларнинг руҳиятига тез сингиб, амалий фаолиятида одат тусига айланиши мумкин.

Бундан ташқари, экологик қадриятлар ҳамда маросимлар моҳиятига нохолис ёндашув табиат ҳодисалари билан боғлиқ маросимлар тарихий жиҳатдан узоқ ўтмишга бориб тақалиши ва унга доир афсона ва ривоятлардаги воқеликлар турфа хиллиги билан боғлиқ. Бу ҳақда рус қадимшуноси П.И.Борисковский “Инсониятнинг энг қадимги ўтмиши” китобида маросимлар 400 минг йил илгари пайдо бўлганлигини кўрсатган бўлса [6,71], ғарблик олим Ж.Кларк маросимлар ёшини неандертал ва родезиялик одам билан боғлайди ва 200-150 минг йилга тенглаштиради[7,89].

Умуман, илк маросимчилик, хусусан экологик удумлар 400 минг ёки 200 минг йил илгари пайдо бўлган, деган масала устида баҳс юритиш ниятимиз йўқ. Биз учун энг муҳими – одамнинг, бир томондан, биологик ҳайвоний табиатидан асл инсоний табиатига ўтиш жараёнида маънавийлик унсурларини такомиллаштира ва ўзлаштира бошлагани, иккинчи томондан, янги тош асрига келиб нисбатан юқори даражадаги мураккаб тизимга эга маънавиятни ва унинг таркибида содда ва стихияли бўлишига қарамасдан, муҳим аҳамиятга эга бўлган экологик маданиятни яратганлигидир

Шуни айтиш жоизки, неандертал одамларда диний-маънавий ҳаёт унсурлари фақат дафн маросимлари билангина чекланган эмас. Уларнинг хатто фалакиёт ҳодисаларига, юлдуз туркумларига, алоҳида юлдузларга ном берганлар[8,59]. Ўзбек астаномлари лексиконида “етти оғайни”, “етти қароқчи” деб номланган юлдузлар туркуми бор. (Европанинг кўп халқларида, уларни “Катта она айиқ”, “Кичик айиқ” деб аташади). Птолемейнинг “Алмажистий” асари туфайли ислом мунажжимлари ҳам кўпинча “Катта айиқ” ва “Кичик айиқ” номини қўллайди. Жаҳоннинг айрим халқлари ҳам уларга нисбатан “айиқ” номини ишлатадилар. Агар эътибор берсак, коинот ва замин билан боғлиқ табиат унсурларига ҳайвонлар номини берилишида ҳам ўзига хос экологик мажозий маъно бор.

Тарихий манбаларга қараганда, қадимги одамлар айрим ҳайвонларни ўзи билан уруғдош деб билганлар ва шу ҳайвон унинг учун муқаддас саналган. Демак одам билан табиат ўртасидаги азалдан мавжуд бўлган ўзига хос уйғунлик ҳайвон ва набобат оламида ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, чўпон ўзи асраган итини давлат боши, деб ниҳоятда эъзозлаган.

Қуш солишга, овчиликка уста қозоқ мерганлари эса, итни “етти хазинанинг боши”, дейишган. Маълумки, ҳайвонот олами азалдан одамнинг дўсти, йўлдоши бўлиб келган. Ота-боболаримиз удумига кўра каттаю кичик ўз мучал йилини, авлод аждодининг номини билиши шарт саналган. Ҳатто, баъзи ёши улуғ кишиларнинг паспортида ҳам туғилган йили туркий мучал йиллари асосида белгиланган. Шу боис айрим кишилар ҳар ўн икки йилда “мучал тўйи” қилишни одатга айлантирганлар. Мучал ҳисобининг тарихий асослари тош асрига бориб тақалади. “Мучал тўйи” маросимини ўтказишда она қорнидаги давр ҳам ҳисобга олинади. Қадимги Шарқ тақвимида ҳар бир ой муайян ҳайвон номи билан аталиши ҳам бежиз эмас. Масалан, Ҳамал-қўй, Савр-сигир, Асад-арслон ва ҳоказо.

Табиатдаги мавжудотларни алқаш, улуғлаш билан боғлиқ экологик анъаналарни ҳам, инсон феъл-атворига, хулқ-маданиятига таъсир этувчи анъана ва маросимларни ҳам ,барқарор урф-одат ва қадриятлар, деб аташ мумкин. Бироқ анъана, одат ва маросимлар,

гарчи табиат билан боғлиқ дунёқарашлар асосида шаклланган бўлса-да, давр ва ташқи таъсир натижасида ўзгариб борган.

Ҳозирги даврда анъаналарга ўтказилаётган ташқи таъсирлар глобаллашув билан характерланади. Глобаллашув жараёни келтирадиган қулайлик ва имкониятлардан кўпроқ фойдаланиш учун уни чуқур ўрганиш, фойдали ва зарарли жиҳатларини атрофлича таҳлил қилиш зарур. Фақат шундагина, у келтириши мумкин бўлган фойдадан кўпроқ манфаатдор бўлиб, унинг зарарли томонларини четлаб ўтиш имконияти туғилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2021.
2. Авесто. Шарқ нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти. – Тошкент.: 2001.
3. Қорабоев У. Миллий маросимлар тикланиши, ривожланиши ва замонавий муаммолари. Ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, ватан тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашнинг муҳим омили мавзусидаги республика илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент.: 2004.
4. Остроумов Н.П.Сарти. - Ташкент, 1990.
5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. –Тошкент.: Ўзбекистон, 1998.
6. Борисовский П.И. Древнейшее прошлое человечество. 2-изд. -Москва, 1980.
7. Дж. Кларк Доисторическая Африка. – М., 1977.
8. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт модели. –Тошкент.: Маънавият, 2005.